

Фикҳ 172-дарс. Набий алайҳиссалом ҳар бир ишни Бисмиллаҳ билан бошлар эдилар



17:00 / 10.02.2022 3566

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларини «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан очар эдилар».

Термизий, Ҳоким ва Дора Қутний ривоят қилишган.

Буларнинг ҳаммасини ичида ўқийди.

Яъни сано, «Аъузу биллааҳи» ва «Бисмиллаҳ»ларни ичида ўқийди, овозини чиқармайди.

Ибн Абу Шайба Иброҳим ан-Нахаъийдан қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу:

«Имом тўрт нарсани: «Аъузу биллааҳи», «Бисмиллаҳ», «Субҳанакаллоҳумма» ва «Омин»ни махфий айтади», деганлар.

Имом Таҳовий Абу Воилдан шундай ривоят қилади:

«Умар ва Али розияллоҳу анҳумо «Бисмиллаҳир роҳмаанир роҳийм»ни ҳам, «Омин»ни ҳам ошкора айтмас эдилар».

Сўнгра Фотиҳани ўқийди ва иқтидо қилувчи каби, ичида «Омин»ни айтади.

Намознинг ҳар бир ракъатида Фотиҳа сурасини ўқиш вожиблигини ва унинг далилларини аввал ўрганиб ўтдик.

Энди «Омин»ни ичида айтишнинг далилларини ҳам ўрганиб қўяйлик.

Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Дора Қутний Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган ҳадисда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овозларини пастлатиб, «Омин», дедилар», дейилган.

Ҳанафийлар ўз мазҳабларини қувватлаш учун ақлий далил ҳам келтирадилар. Улар: «Ҳаммамиз «Омин»ни айтишга иттифоқ қилганимиздек, унинг дуо эканига ҳам иттифоқ қиламиз (маъноси – «Қабул эт»). Биз ушбу дуони махфий қилишни ихтиёр этдик, чунки дуони махфий қилиш ошкора қилишдан афзал эканига сиз ҳам, биз ҳам иттифоқмиз. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Роббингизга тазарру ила ва махфий дуо қилинг», деган», дейдилар.

Кейин такбир айтиб, рукуъга боради ва икки қўли билан, бармоқларини ёзган ҳолида тиззаларини ушлайди. Белини текис тутуди ва бошини кўтариб ҳам, тушириб ҳам юбормайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг рукуъларида худди шундай қилганлар.

Абу Ҳумайд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен ичингизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини энг яхши ёдлаб қолганингизман. Мен у зотни кўрдимки, қачон такбир айтсалар, икки қўлларини икки елкалари баробар кўтарар эдилар. Қачон рукуъ қилсалар, икки тиззаларини икки қўллари билан яхшилаб ушлар эдилар. Сўнгра белларини, токи умуртқа суякларининг ҳар бири ўз жойига тушгунича тўғрилар эдилар», деди».

Бухорий ривоят қилган.

Яъни, маҳкам қисиб, кафтларини тизза кўзлари ила тўлдириб ушлар эдилар. Ҳамма шундай қилиши керак.

«Сўнгра белларини тўғри тутар эдилар».

Яъни, рукуъда орқаларини тўппа-тўғри тутар эдилар. Уламолар «Идишда сув қўйса турадиган бўлиши керак», дейишади.

Уч марта тасбеҳ айтади. Бу энг ози.

«Фасаббих бисми Роббикал Азийм» нозил бўлганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Буни рукуъларингизда қилинг», дедилар.

«Саббих исма Роббикал Аъла» нозил бўлганда, у зот:

«Буни саждаларингизда қилинг», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди